


Бехзодбек Махмудалиев

*ПЛАЪАССУМИНҲ
ЧИРОЙИ СЕНИНҲ*

Шеърлар



ФАРҶОНА –2012




УДК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў) 7 - 980.9800.

Махмуталиев, Беҳзодбек Табассуминг чиройли сени: шеърлар/ Б. Махмуталиев – Ф.: «Фарғона» нашриёти, 2012. – 32 б.

Ёшлик ва шеър эгизак тушунчалар. умрининг бу фаслида шеърят оламига бўйламаган одам бўлмайди. Кимдадир ушбу кайфият ўткинчи бўлса, кимдадир эса шунчаки ҳавасдан ҳаёти мазмунига айланади. Беҳзодбекнинг шеърлари қалбининг туб-тубидан чиқарганлиги дастлабки сатрларданоқ сезилади. Айни хислат унинг ижод йўлида ҳали кўп ютуқларга эришишига умид уйғотади.




УДК: 821.512.133-1

КБК: 84 (5Ў) 7

НО 40645
0

ISBN 978-9943-349-32-2



© «ФАРҒОНА» нашриёти, 2012

© Адхам Олим.




ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қизғалдоқлар ичида
Чирой очган лоласан.
Дўстлари той минган пайт
Асов минган боласан.
Энг таббаррук ном билан
Тарихларда қоласан.
Юртлар ичра султоним –
Менинг Ўзбекистоним!

Улуғбекдан ёдгорлик –
Кўркам расадхонасан,
Бобурингни бағрингда
Асролмаган онасан,
Навоий қаламидан
Яралган дурдонасан,
Буюк Соҳибқироним –
Менинг Ўзбекистоним!

Эзгулик карвонига
Йўл бошлаган сарбон сен,
Элим деб, миллатим деб,
Шаҳид кетган ўғлон сен,
Номи диллардан ўчмас
Қодирий сен, Чўлпон сен.
Авлоний-у Усмоним –
Менинг Ўзбекистоним!



Жаҳонда энг дилкаш эл,
Энг оққўнгил сендурсан,
Муқаддасдур тупроғинг,
Жаннатларга тенгдурсан.
Йулингдаги ғовларни
Жасорат-ла енгурсан.
Энг ишончли қўрғоним –
Менинг Ўзбекистоним!

ОТАМГА ЎХШОЛМАДИМ

Қўпол эдим, кўрс эдим,
Одамга ўшолмадим.
Ўн марталаб уриндим,
Отамга ўхшолмадим.

Йиллар ўтиб эс кириб,
Майин бўлди сўзларим.
Юз марталаб уриниб,
Отамга ўхшолмадим.

Ҳақдан эътиқод тилаб,
Балки қалбим покладим.
Уриндим минг марталаб,
Отамга ўхшолмадим.

Ёш улғайиб тобора,
Одамга ўхшай олдим.
Уриниб миллион бора,
Отамга ўхшолмадим.



ИСТАГИМ

Булутларни йиғсам-у,
Сизга гулдек тутолсам,
Таклифнома юбориб,
Ўзим ойда кутолсам!

Дийдор – кўнгил роҳати,
Ҳижрон – қалб жароҳати,
Садоқатим ҳурмати –
Васлингизга етолсам!

Юрак – нишон, севги – ўқ,
Бирга бўлсак, кўнглим тўқ,
Мендан бахтли одам йўқ –
Сизни бахтли этолсам!

Истагим шудир, эркам:
Ҳар доим бирга бўлсам,
Ҳаттоки, энг сўнги дам
Сизни кўриб кетолсам!



БЕПАРВО

Билмасам, кўнглингиз неларни хоҳлар,
Назарга илмайсиз, мушток нигоҳлар.
Бетиним қилсам-да фарёд-у оҳлар,
Сиз хануз бепарво, хануз бепарво.

Қарашлар ўзгармас: ўша ёвқараш.
Мушкулми шунчалар аҳволим сўраш?
Севсам-да мисоли ёниб бир оташ,
Сиз хануз бепарво, хануз бепарво.

Ҳажрингиз таъмини неча йил тотдим,
Кун каби ботдиму, тонг каби отдим,
Бардошим етмади, тош каби қотдим,
Сиз хануз бепарво, хануз бепарво.

Ёдимдан ўчмайди ҳеч ёшлик пайтлар,
Дафтарлар четига ёзилган қайдлар,
Севдим, деб битилган неча минг байтлар,
Сиз хануз бепарво, хануз бепарво.



ЭНГ ЭЗГУ ТОРТИК

Тақдиримдан розиман беҳад,
Гарчи менга бахт бермас ортиқ.
Аммо менга учратди сизни,
Бу мен учун энг эзгу тортиқ!

Ошикликнинг савоби улуг,
Меҳр берса, гуноҳ бўлмайди.
Инсон учун ўлим муқаррар,
Ва лекин туйғулар ўлмайди!

Сиз яшайсиз қалбимда мангу,
Кўнглингизда яшайин мен ҳам.
Сиз билан бу кемтик юрагим
Бўлиб юрсин ҳамиша бекам!

Яратганга беадад шукр,
Тун учун яратиб кундузни,
Бандам ўксиб қолмасин дея,
Мен учун ҳам яратди сизни!



КЎЧА БОШИДА

Мағлуб этмай ҳижронлар ғами,
Етиб келгай висолнинг дами,
Осмондами, ёки ердами,
Гулим, бизни бахтлар кутмоқда.

Ёруғликка энтикканича,
Йўлимизга кўз тикканича,
Балким, жиндай зерикканича,
Гулим, бизни бахтлар кутмоқда.

Саловати тоғлардай баланд,
Жўшқинлиги ишқимга монанд,
Этмоқ учун дилларни пайванд,
Гулим, бизни бахтлар кутмоқда.

Ҳаяжондан титрайди юрак,
Олдиндадир нурли келажак.
Тутганича турфа ранг чечак,
Гулим, бизни бахтлар кутмоқда.

Орзулардан рўё яхши-да,
Хаёлдан чин дунё яхши-да,
Чикиб қара, кўча бошида
Бахтим, сени бахтинг кутмоқда.



ЁР СОЧИНИ...

Ёр сочини шаббодалар тарашибдур,
Шу сочларга ипак рўмол ярашибдур.

Киприклари узун-узун, кўзи жоду,
Бу кўзларга боққан кўзлар камашибдур.

Мен шўрликни қувончимдан маҳрум этиб,
Ёт совчилар ёр қўлини сўрашибдур.

Ёр ўзгага кўнгил бериб, гулбоғида
Ўшал ёри бирла қувнаб ўйнашибдур.

Узукка кўз қўйган каби мос экан деб,
Ўтган-кетган ҳавас билан карашибдур.

Севги аҳли иккисини Тохир-Зухра,
Ман ғарибни Қоработир аташибдур.

Ул ёрни ман жонимдайн севар эдим,
Янгалари “У ёмон”, деб алдашибдур.

Беҳзод кўнглин оғритганча ул дилрабо
Ўзга ёрни танлаб, қаттиқ адашибдур.



КЕЛТИРУР

Бевафо ёр бошга бало келтирур,
Дилга дард-у, жонга жафо келтирур.

Зор этибон йўлларига, интизор
Бўлган икки кўздан дарё келтирур.

Мани айлаб ўзи дардга мубтало,
Мандан ўзгаларга даво келтирур.

Ким кўрибди ул ситамгар ёр қачон,
Ваъдасига қайда вафо келтирур?

Бўлди энди, бевафони суйма, Бек,
Севаверсанг жонга қазо келтирур.



СИНГЛИМГА...

Сен Худодадан чин дилингдан сўрамасанг,
Ғўр акангга омад кулиб боқармиди?!
Эрка синглим, кулиб юргин, қувонтириб,
Сен йиғласанг, менга бахтлар ёқармиди?!

Бўлса айтгин, ўзим олай бирор ғаминг,
Кўрай дейман шодликларга тўлган даминг,
Боримдан ҳам азиз менга пойқадаминг,
Сен йиғласанг, менга бахтлар ёқармиди?!

Мен сиқялсам, чўзиб меҳр қўлларини,
Топар эдинг кулдиришнинг йўлларини,
Олиб келай сенга дунё гулларини,
Фақатгина йиғламагин, эрка синглим,
Сен йиғласанг, менга бахтлар ёқармиди?!



МЕНИ ЎЙЛА

Атрофингда парвоналар кўп бўлса ҳам,
Ҳар қадамда ошиқларинг тўп бўлса ҳам,
Ҳар бирининг севгиси чин, соф бўлса ҳам,
Мени ўйла...
Мен улардан бошқачаман.

Улар сенга қишда гуллар тутолса-да,
Қут десанг гар, ой-у йиллаб кутолса-да,
Сенинг учун, ҳатто, оғу ютолса-да
Мени ўйла...
Мен улардан бошқачаман.

Балки, улар сенга жонин бериб қўяр,
Бир бор айтсанг, юлдузларни териб қўяр,
Сенга атаб кошоналар қуриб қўяр,
Мени ўйла...
Мен улардан бошқачаман.



ШАЙТОНГА ҲАЙ БЕР!

Дўстинг душман бўлиб келса ҳам,
Ишонганинг кўнглинг тилса ҳам,
Севар ёринг жонинг олса ҳам,
Эҳ, одамзот, шайтонга ҳай бер.

Яшасанг ҳам кўзинг кўр бўлиб,
Душманга хор, дўстга зор бўлиб,
Хўрликдан дил кетса-да тўлиб,
Эҳ, одамзот, шайтонга ҳай бер.

Яхшилиқ қил, умр ғанимат,
Ваъдаларга айла садоқат,
Яқинлардан курсанг хиёнат,
Эҳ, одамзот, шайтонга ҳай бер.

Ўзингчимас, болангни ўйла,
Отангнию, онангни ўйла,
Дилозорнинг дилини ўйма,
Эҳ, одамзот, шайтонга ҳай бер.



КЕЛСАНГ ЭДИ

Гулзор кезсам, изимдан
Ел бўлиб елсанг эди.
Соғинсам, бормасимдан,
Бир йўқлаб келсанг эди.

Ошиқ дил чекар озор,
Кўзимга кенг дунё тор.
Яхшилиқ қилиб, эй, ёр,
Бир йўқлаб келсанг эди.

Ҳижронни енгиб ўтай,
Номингга шеърлар битай.
Қани, мени деб атай,
Бир йўқлаб келсанг эди.

Васлинг кўнгил талаби,
Лабларинг кўмсар лабим.
Ҳеч йўқ ширин туш каби,
Бир йўқлаб келсанг эди.

Кел, кўнглингга ўт қалай,
Эркаланай, эркалай.
Беҳзодингман, ҳар қалай,
Бир йўқлаб келсанг эди.



ОНАМГА ҶҲШАЙСИЗ

Ёғдулар ёғган юзлар,
Дилга ўт ёққан сўзлар,
Меҳрли боққан кўзлар
Сиз Онамга ўхшайсиз!

Менга омад, бахт тилаб,
Соғлик тилаб, тахт тилаб,
Йиғласам бошим силаб,
Сиз Онамга ўхшайсиз!

Алла айтиб ухлатинг,
Ялла айтиб ўйнатинг,
Кимимсиз менинг, айтинг,
Сиз Онамга ўхшайсиз!

Кулгуси шодон эди,
Йиғиси нолон эди,
Менга меҳрибон эди,
Сиз Онамга ўхшайсиз!



ЯХШИЯМ

Севгининг дарди шундай:
Куйдириб ҳам ёнасан,
Суйдириб ҳам ёнасан.

Севгининг кадри шундай:
Етмасанг девонасан,
Етишсанг парвонасан.

Севгининг меҳри шундай:
Севсанг бошинг осмонда,
Бахт тўлиб оқар қонда.

Севгининг қаҳри шундай:
Кечсанг кунинг сарсонда,
Умринг ўтар армонда.

Севгининг аҳди шундай:
Севаман зор қилсанг ҳам,
Севаман хор қилсанг ҳам.

Севгининг баҳти шундай:
Ўзинг борсан яхшиям,
Ўзинг борсан яхшиям!


ТАБАССУМИНГ ЧИРОЙЛИ

Ёғду учун кадрлаб Ойни,
Нури учун кутамиз Кунни.
Кимлар нима деса десин-у,
Табассуминг чиройли сенинг!

Гул танланар кўркига қараб,
Севиш учун бўлар бир сабаб.
Кўнглимдаги энг тўғри бир гап,
Табассуминг чиройли сенинг!

Жайронларнинг кўзидан кўра,
Султонларнинг қизидан кўра,
Ҳатто сени ўзингдан кўра,
Табассуминг чиройли сенинг!

Ҳар қизда бор чирой ва комат,
Барида бор латофат, иффат,
Ёлғиз санга хос бўлган сифат —
Табассуминг чиройли сенинг!





СЕНИКИ

Тоғ эркаси – жайроннинг
Жоду кўзи сеники.
Боғимдаги райҳоннинг
Хушбўй иси сеники.

Ҳилолмикин яноғинг,
Гавҳарми кўз қароғинг,
Кўксимга тут қулоғинг,
Кўнглим сўзи сеники.

Еллар – ширин гапларинг,
Ё изҳори қалбларнинг,
Юзимдаги лабларнинг
Қолган изи сеники.

Ишқинг тушиб жонимга,
Сингиб кетди қонимга,
Кел, яхшиси ёнимга,
Бекнинг ўзи сеники.

Сеники барча шодлик,
Барча шўхлик, эркалик.
Аммо, кўшни қишлоқлик
Ойнинг қизи меники.



ЭСЛАТАР

Хижроннинг азоблари
Юрагимни музлатар.
Нур сочиб ой тунлари
Юзларингни эслатар.

Товланар кўкда юлдуз,
Дил ярамга сепар туз,
Чиройин қилиб кўз-кўз,
Кўзларингни эслатар.

Соғиниб ўтмоқда йил,
Соғиниб йиғлар кўнгил,
Дайди шамол, дайди ел,
Нозларингни эслатар.

Севмоқ нечун изтироб,
Алам – саҳро, бахт – сароб.
Жилғалар гоҳ пичирлаб,
Сўзларингни эслатар.

Кўнглим куюк, кўнглим кул,
Азоб чекади нукул,
Боғимдаги атиргул
Исларингни эслатар.



ҚЎРҚАМАН

Гоҳида ўзимдан, ҳаётдан нолиб,
Таскинлар излайман дардли хонишдан.
Онам топиб қўйган эсли қиз қолиб,
Қўрқаман бировни севиб қолишдан.

Йўл юрсам ортимдан қолар қандай из,
Ёлгон эмасмикин кўнглимдаги ҳис?!
Аҳдлашиб қўйганим бир чиройли қиз,
Қўрқаман бировни севиб қолишдан.

Ногоҳ кўзим тушиб қолса кимгадир,
Кўксимни куйдирар юрак негадир.
Ўзгани севмасам керак, барибир
Қўрқаман бировни севиб қолишдан.

Орзу яқин, лекин рўёби йирок,
Аламлар жисмимга солади титроқ.
Ўлимдан ҳам қўрқмай яшайман,
Бироқ...
Қўрқаман бировни севиб қолишдан.



МЕН СИЗГА ЁҚАМАНМИ?

Бир гап сўрай, қарғаманг,
Жаҳл қилманг, жавраманг,
Ростин айтинг, алдаманг:
“Мен сизга ёқаманми?”

Юрасиз аламзада,
Сизга жуда маззада.
Бирозгина бўлса-да,
Мен сизга ёқаманми?

Ўқиб эски мактубим,
Эсланг ҳар битга гапим.
Сиз менга ёққан каби,
Мен сизга ёқаманми?

Кўкка чўзиб кўлимни,
Очдим қулфи дилимни,
Олинг берган гулимни,
Мен сизга ёқаманми?

Мудом қайга шопасиз,
Тўқнаш келсак қочасиз,
Қачон кўнгил очасиз,
Мен сизга ёқаманми?

Тинглаб баъзан ноламини,
Унутасиз оламини,
Она дейсиз онамини
Мен сизга ёқаманми?



КЎРИШМАДИК

Бир уришдик... Ундан сўнг
Ярашмадик.

Бир кўришдик... Ундан сўнг
Кўришмадик.

Ўртада бўзлади дил,
Гапириб тишладик тил.
Ўтди ойлар, ўтди йил,
Кўришмадик.

Нигоҳлар эсласа ҳам,
Бир-бирин изласа ҳам.
Юраклар бўзласа ҳам
Кўришмадик.

Манзил айро, йўл бўлак,
Энди кўнгил, дил бўлак.
Истасак, истамасак,
Кўришмадик.

Вақт ўтиб аста-секин,
Унутиб бўлармикин?
Соғиндик, аммо лекин
Кўришмадик.



СОҒИНМАЙ БЎЛАРМИДИ

Жон ороми – сўзингни,
Кўзмунчоқдай кўзингни,
Энг айниқса ўзингни
Соғинмай бўлармиди?

Хуснинг Ойдек эмасми,
Кўрсам куйдирар кўзни,
Сен чиқарган нафасни
Соғинмай бўлармиди?

Ёқар учириб қошинг,
Аҳволимни сўрашинг.
Кўз кирида қарашинг
Соғинмай бўлармиди?

Бузгим келар хаёлинг,
Топгим келар висолинг,
Яноғиндаги холинг
Соғинмай бўлармиди?

Севги мактубларингни,
Энг ширин гапларингни,
Олчадай лабларингни
Соғинмай бўлармиди?

Лола ўсган яноғинг,
Тунлар чўккан қароғинг,
Уялиб кетган чоғинг
Соғинмай бўлармиди?



СЕВМАСМИСАН

Сенсиз менинг ҳолим ғариб,
Билармисан, билмасмисан?
Соғинтириб, соғинтириб,
Келармисан, келмасмисан?

Босган изинг бўлар гулзор,
Сенсиз жоним чекар озор,
Даства гуллар тутсам, агар,
Олармисан, олмасмисан?

Кўзинг қаро, кошларинг ёй,
Гунча сендан олган чирой,
Осмонимни ёритган Ой
Бўлармисан, бўлмасмисан?

Севдим десам, лабинг буриб,
“Севма” – дейсан қошинг кериб,
Жоним тутсам, меҳрим кўриб,
Севармисан, севмасмисан?

Солсанг мани минг бир кўйга,
Бошим олиб кетгум қайга?
Кетсам, кунлар келиб ўйга
Толармисан, толмасмисан?



ҚИСМАТ

Севги оғир кулфатим бўлди,
Ҳижрон яқин улфатим бўлди.
Кутилмаган меҳмон бўлди ғам —
Сенсиз яшаш қисматим бўлди.

Ойни орзу қилдим, етмадим,
Бахт шаробин бир бор тотмадим,
Ё кечмадим, ё унутмадим,
Сенсиз яшаш қисматим бўлди.

Айрилиқ дард, ҳижронлар алам,
Кўнглимнинг бир кўргани ситам,
Севардим, ҳали ҳам севаман,
Сенсиз яшаш қисматим бўлди.

Истар эдим бўлсанг ҳамсоя,
Менга шунинг ўзи кифоя,
Лек, бўлди ўзгача ниҳоя —
Сенсиз яшаш қисматим бўлди.

Айт-чи бир бор, мажбур бўлдингми,
Ё бўлмаса атай қилдингми?
Менсизликни орзу билдингми?
Сенсиз яшаш қисматим бўлди.



САБАБИ НЕ?

Гуллар тутсам олганингни,
Мен деб ўйга толганингни,
Мани севиб қолганингни,
Сабаби не?

Ёқиб дилга оташингни,
Тинмай ҳолим сўрашингни,
Кўзинг сузиб қарашингни
Сабаби не?

Келасан-у сўз очмайсан,
Кетар чоғи кетолмасйсан,
Кўзимдан кўз узолмайсан,
Сабаби не?

Севинасан тўқнаш келсак,
Бир манзилга бўлса йўлак,
Бўласан бир менга ҳалак,
Сабаби не?

Кулгуларинг – сеҳрларинг,
Рапк сочади қаҳрларинг.
Менга бўлак меҳрларинг,
Сабаби не?



ЭСЛАРМИКИНСАН

Йўқ деёлмай отангга,
Қарши чиқдинг ваъдангга.
Энди ўзга уйингда,
Мени эслармикинсан?

Бегонани ёр билиб,
Мени ғамда қолдириб.
Тунлар бедор ўлтириб,
Мени қумсармикинсан?

Севги дилнинг меҳридан,
Ҳижрон тақдир қаҳридан,
Суймаганинг бағрида
Мени ўйлармикинсан?

Бахтсиз бўлсанг ўзингдан,
Айтолмаган сўзингдан,
Ўғлингни кош-кўзидан
Мени излармикинсан?

Севар эдим мен сени,
Сен ҳам севардинг мени.
Йиллар ўтиб бир куни
Мени йўқлармикинсан?



ТОПИБ БЎЛМАЙДИ

Эртақдан ҳам, дostonлардан ҳам,
Орзулар-у армонлардан ҳам,
Ер юзидан, осмонлардан ҳам
Сиздек қизни топиб бўлмайди.

Ой ёғдирган нурлар ичра ҳам,
Маржон-маржон дурлар ичра ҳам,
Малаклар-у хурлар ичра ҳам,
Сиздек қизни топиб бўлмайди.

Йўл юрилар манзилни кўзлаб,
Гоҳи кулиб, гоҳида бўзлаб,
Бу дунёдан минг йиллаб излаб,
Сиздек қизни топиб бўлмайди.

Кипригингиз нима учун нам,
Ё мағлуб этдими бирор ғам.
Ёлғизгинам, ягонагинам,
Сиздек қизни топиб бўлмайди.



БЕКНИНГ ҚОРАСИ..

Гуллар тутиб келсам қошинга,
Янгиладинг кўнглим ярасин.
Кетгин дединг, кетганим бўлсин,
Кўрмай яша Бекнинг қорасин.

Офаринлар айтаман, менсиз
Топа олсанг бахтнинг чорасин.
Истагингни бажо келтирай,
Кўрмай яша Бекнинг қорасин.

Сен қайданам билардинг менинг
Ўксиган бу кўнглим порасин.
Малол келди сенга севгим ҳам,
Кўрмай яша Бекнинг қорасин.

Ой эдинг, Ойлигинг қилдинг-да,
Ёпиб олдинг туннинг пардасин.
Кундек ботдим, лек қайтиб отмам,
Кўрмай яша Бекнинг қорасин.



НАФАСИНГ ШИРИН

Нигоҳларинг бошқача,
Гўёки, бахт яширин.
Дудокларинг гулгунча,
Нафасинг ширин-ширин!

Кўзларинг қаро-қаро,
Кипригинг узун-узун.
Қарашинг жонга оро,
Нафасинг ширин-ширин!

Сочларинг мисли денгиз,
Бир-бир силай ҳар бирин.
Меҳрим сен учун чексиз,
Нафасинг ширин-ширин!

Тўлдириб кучоғимни
Айт менга кўнглинг сирин.
Куйдирар димоғимни,
Нафасинг ширин-ширин!

Сендан ўзгани десам,
Юрагим урмай қўйсин.
Хушрўйгина маликам,
Нафасинг ширин-ширин!

Севги ажиб ҳис экан,
Бахт дегани шумикин?!
“Бек” деганда чиқарган
Нафасинг ширин-ширин!

Мундарижа

Ўзбекистоним.....	3
Отамга ўхшолмадим.....	4
Истагим.....	5
Бепарво.....	6
Энг эзгу ортиқ.....	7
Куча бошида.....	8
Ёр соғинчи.....	9
Келтирур.....	10
Синглимга.....	11
Мени ўйла.....	12
Шайтонга хай бер.....	13
Келсанг энди.....	14
Онамга ўхшайсиз.....	15
Яхшиям.....	16
Табассуминг чиройли.....	17
Сеники.....	18
Эслатар.....	19
Қурқаман.....	20
Мен сизга ёқаманми.....	21
Қуришмадик.....	22
Соғинмай бўлармиди.....	23
Севмасмисан.....	24
Қисмат.....	25
Сабаби не.....	26
Эслармикинсан.....	27
Топиб бўлмайди.....	28
Бекнинг қораси.....	29
Нафасинг ширин.....	30

Адабий-бадний нашр

Маҳмудалиев Беҳзодбек

ТАБАССУМИНГ ЧИРОЙЛИ СЕНИНГ

Шеърлар

Муҳаррир *А. Содиқов*

Техник муҳаррир *У. Жабборов*

Саҳифаловчи дизайнер *О. Фазилова*

Нашриёт лицензияси АИ № 162 . 08.14. 2009 й.

Теришга 30.05.2012 й. да берилди. Босишга рухсат 20.06.2012 й. да

этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет босма «Times» гарнитураси

Шартли б.т. 2,25 Нашр-ҳисоб т. 6,0 Адади 500 нусха

Буюртма № 34

«ФАРҒОНА» нашриёти.

150114, Фарғона шаҳри, Соҳибкирон Темур кўчаси, 28

«SIRIUS-MEDIA» МЧДЖ босмаҳонаси

100100, Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси 4

Лиц. № 10-2454. 2011 йил 16 май